



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan • uzasziyoli@list.ru • 2007-yil, 16-fevral • № 7 (3887)

ТАРАҚҚИЁТНИНГ БАРҚАРОР ОДИМЛАРИ

Хар бир жамият ўз тараққиётининг маълум босқичларида иқтисодий фаолият юритиш билан боғлиқ ислохотларнинг самарасини, эришилган натижаларни ва уларнинг ҳалқ турмуш тарзига бевосита таъсирини танқидий таҳлил этиб, яқин келажақ учун аниқ-равшан режалар белгилаб олиши лозим бўлади. Президент Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари бағишланган Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси шу жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакат раҳбари ўтган йил якунларини кенг ва атрафли таҳлил этар экан, бир қатор муҳим ҳолатларга тўхталиб ўтди. Чунинчи, ўтган йили ички маҳсулот 7,3 фоизга ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажми саноатда 10,8, қишлоқ ҳўжалигида 6,2 фоизга ошгани, инвестициялар 11,4 фоизга кўпайгани мамлакатда иқтисодий ривожланиш суръати барқарорлашаётгани далолатидир. Халқаро валюта жамғармаси ўтган йилнинг иқтисодий якунини, жумладан, олтин-валюта захирасининг ошиб бораётганини, тўлов қувватимизнинг мустақамланишида муҳим омили бўлаётган экспорт ҳажмининг муттасил ўсиб бораётганини ижобий баҳолади.

Бугунги шароитда ҳар қандай давлатнинг миллий иқтисодиёти инвестиция муҳитини яхшилаш билан боғлиқ. Бундай муҳит мавжуд экан, иқтисодга ҳорижий сармоялар бевосита жалб этиш имконияти кенгайди. Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада жиддий ўзгаришлар юз берди. Халқ турмуш тарзининг яхшиланиши билан боғлиқ ютуқларнинг яна бир омили — бу, шубҳасиз, одамларда мулкка бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши, ерга эгаллик ҳиссининг ортиши ва бунинг оқибатида аҳоли турли қатламларида шахсий ташаббускорлик, тадбиркорлик, мулк, ер ва бошқа воситалардан унумли фойдаланиш кайфиятининг кучайишидир. Бунга яна мамлакатнинг экспорт салоҳияти изчил равишда ўсиб бораётганини, мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақон бозоридан муносиб жой олаётганини ҳам қўшиш керак.

Йил якунларига кўра, ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси қарий 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Президент экспорт ҳажмининг ўсиши, биз учун аънаваный ресурс бўлмиш пахта толаси, қимматбаҳо металллар ва турли хомашё етказиб бериш ҳисобига эмас, балки асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар, нефть-кўмир ва металл маҳсулотлари, минерал ўғит, ип-калава, газлама, трикотаж буюмлар ва бошқа шу каби товарлар экспорти ҳисобига таъминланганлигини

алоҳида таъкидлаб ўтди. Эътибор берилса, бу тамомла янги бир ҳолатдир. Маърузада 2007 йил иқтисодий дастурининг муҳим йўналишлари айтиб ўтилди. Булар:

— иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сийёсатини янада эркинлаштириш;

— бизнес, жумладан, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча шароитларни яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайитириб бориш;

— хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни ҳар томонлама кучайитириш;

— иш ҳақи микдорини ва аҳоли турмуши даражасини изчил ошириб боришни таъминлаш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш;

— банк-молия тизимини олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш;

— коммунал ҳўжалиги соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш.

Маърузада 2007 йилда ўртача иш ҳақини камида учдан бир микдорда, 2010 йилга бориб эса 2,5 баравар ошириш мақсад қилиб қўйилгани айтиб ўтилди. Иш ҳақини ошириш, аҳолига янги-янги қўлайликлар яратиш, турмуш шароитини, тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, янги авлод тарбияси тўғрисида гамхўрлик қилиш, ижтимоий ҳимоя йили дастурини белгилаш ва вақфаларни тўла бажариш, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг қандай суръатлар билан ривожланишига, мамлакатнинг молиявий қудратига, ҳар бир соҳада тежамкорлик ва унумдорликка эришилаётганига ва яна, ҳар биримизнинг миллат раънақи, миллий тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ. Шундай экан, жорий йилнинг янада улғувор вазибалари ижросига ҳамжиҳат бўлиб киришмоғимиз лозим бўлади.

14 феврал — Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган кун



Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

ҒАЗАЛАЛАР

Баҳор айёмидур дағи йнгиликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шаробни нобким, ишрат замонидур.

Гаҳе сахро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳе саҳни чаман гул чехрасидин аргувонийдур.

Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш ранг гуллардин,
Магарким суннинг наққошига ранг имтиҳонидур.

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарбинга тараҳхум айлагилким, авлод жонидур.

Кўзумда муттасил ул эгма қош керак бўлса,
Қошимда кўз ёруғи ул қуёш керак бўлса.

Сужуд вақтида меҳроб бўлмасун ҳаргиз
Ки, бош қўярда ўшал эгма қош керак бўлса.

Ҳабиб ишқидо бошдин кеч, эй кўнгул, йўқ эса,
Бу йўлга қўйма аёқ сагга бош керак бўлса.

Кўюб аёғига бош, сўрса лаълидин ҳар ким,
Бошига туфроқ оғзига тош керак бўлса.

Сенинг била бори эл нохуш ўлса, эй Бобур,
Не бўлгуси санга, ул ёри хуш керак бўлса.

14 феврал — Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган кун

БОБУР ҒАЗАЛАЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур — бутун Осиё тамаддунига улкан таъсир кўрсатган буюк шахслардан биридир. У тақдир тақозоси билан олдин Афғонистонни, кейинроқ Хиндистонни эгаллаб, бу мамлакатлар тарихий тараққиётида бурилишлар ясади. Бу ҳақда хинд халқининг буюк фарзанди Жаҳоҳарлаъл Неру шундай дейди: "Бобур келиши билан Хиндистон янги сулола ҳукмронлигида қудратли салтанатга айланди. Шу боис, Оерупонинг ҳужум қилиш хавфи ёки эҳтимоли йўқ даражага тушиб қолди".

Гўдаклигиданоқ боланинг ўсиб-ўлғайиши, тарбияси, жумладан, унинг жисмоний тарбиясига ота-онаси ҳам, катта-онаси ҳам алоҳида эътибор бердилар. Натижада Бобур паҳлавон йигит бўлиб етишди. Уни тахт вориси сифатида ёшлагиданоқ ҳарбий ишларга ўргатдилар, маҳсул устозлар воситаси-ла араб ва форс тилларини мукамал ўрганиши н назорат қилдилар. Кичиклигидан "Қуръон" тиловагига ўргатилди. Эътиқоди мустақамланиб борган, фикр конуларини, тарих ва Шарқ адабиётини ўқитдилар.

Бобур кундалик ўткинчи хурсандчиликларга унча қизиқмайдиган, емак-ичмакда инжиқлик қилмайдиган бўлиб ўсди. Ҳаётда нима яхши-ю, нима ёмон эканига болагилгиданоқ разм соландиган бўлди. У дўстлари, тенгдош ўртоқларига, уларнинг насл-насабидан қатъи назар, бир хил муомала қиларди. У шўхратпарастликка, иззатталабликка асло ўрганмади. Ёлгон гапирмайдиган, муғомбирлик қилмайдиган, оққўнғил бўлиб ўсди.

Бобур ўзгаларга нисбатан зийракроқ, хушёрроқ, доно ва фаросатлироқ бўлиб тарбияланди. У Баҳоидирона келбати, руҳан тетиклиги, абжирлиги ва нозик диди билан ўзгалардан ажралиб турарди. Кейинчалик, подшоҳлик йиллари ҳам ортиқча бойликка ружуҳ қўймади, зеб-зийнатдан роҳатланиш ҳиссиётига берилмади, уларга нописандлик назари билан қарашга одатланди. Бундай феълини унинг бун тур умри давомида, давлат фаолиятида ҳам қузатиш мумкин.

Кейинчалик, ўғай укалари Жаҳонгир Мирзо ва Носир Мирзо туғилиб, вояга етганда ҳам айнаи шу феъл туйғайли уларга меҳрибонликлар кўрсатди. Ғанимлар худбинлик йўлига ундаб, ғаламислик қилганларида ҳам укаларига қарзгиллик қилмади, кенгфеъллиги боис гина сақламади.

1487 йили, яъни Бобур Мирзо тўрт яшарлигида она томонидан катта отаси бўлмиш Юнусхон узоқ фалаж бўлиб ётган, вафот этди. Бобоси васиятига биноан бўлса керак, келаси — 1488

йили беш яшар Бобурни, давр удумига кўра, амакиси Султон Аҳмад Мирзо қизларидан Ойша Султон Бегимга "қулоқ тиллати" маросини учун Самарқандга олиб бордилар.

Заҳириддин Муҳаммаднинг, тўй тантаналари ўтган, улўғ бобоси Амир Темур салтанатининг пойтахтини айлантириб томоша қилдирганликлари шубҳасиздир. Ана шунда Соҳибқирон даврида бино этилган гаройиб қасрлар, ҳашаматли оромгоҳлар, ферузаранг гўмбазли мақбаралар, қўққа буй чўзиб ганчлари ярқаб турган миноралар гўзаллигини, масжиду мадрасалар маҳобатидан олган таассуротларини Бобур гўдаклик шўургига сингдиргани аниқ. Кейинчалик Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"ларини ўқиб, Соҳибқирон давлатчилик фаолиятининг кўп жиҳатларини ўрганди ва гўдаклик чоғидаги Самарқанд сафаридан олган таассуротлари ёрдамида улўғ бобоси ҳаётига разм солди. Амир Темур мақсадлари ва бу йўлдаги улкан ишлари, жангу жадаллари, исломиий эътиқоди, олиму фузалоларга кўрсатган беиннат одамлиликлари, туғишларига бўлган ҳурмат-муруватларини ўрганди. Булар Бобур учун бир умрга таълим мактаби эди.

Давоми тўртинчи бетда.

НАВОИЙХОНЛИК БАЙРАМЛАРИ

Улўғ шоир ва мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллиги муносабати билан маънавий ва маърифий муассасаларда, илм-фан даргоҳларида навоийхонлик кечалари — маънавий байрамлари бўлиб ўтмоқда.

ЎзРФА Тил ва адабиёт институтида шоир адабий меросини ўрганиш масалаларига доир аънаваный-илмий анжуманининг 51-йигилиши бўлди. Анжумани институт директори, профессор Тўра Мирзаев очиб, ўтган бир йил давомида навоийшуносликда амалга оширилган ишларга тўхтади.

ЎзРФА вице-президенти Саидхўрор Ғулмонов Навоий ижодини ўрганаётган олимлар олдида турган долзарб масалалар, филология фанлари доктори Умнат Тўйчиев ҳақон халқлари ижтимоий қарашлари тараққиётида Алишер Навоийнинг ўрни хусусида сўзлади. Адабиётшунос оlima Суюма Ғаниева "Мажолис ун-нафос" таъсирида Туркияда 31 таъриха ёзилганини айтиб, шулардан бири "Латифий таъкираси"дир дея, навоийшуносликка доир яна бир янгиликдан

шоир мухлисларини хабардор қилди. Академик Азиз Қайюмов, филология фанлари доктори Нусратилла Жумаҳўж, танкили адилбар — Омон Мухтор ва Халима Худойбердиева қуноқ-қуноқ билан замондошларимизни Навоийнинг гўзал бадиятидан баҳраманд этиш ҳақидаги фикрларини билдирдилар.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улўғбек тумани халқ таълими бўлими ўқувчилар ўртасида "Барҳаёт сиймо" мавзюда Навоий билимдонлари муносабати ташкил этди. Тадбирда шоирлар — Қўчқор Норқобил, Хосият Рустамова ва Нодира Мирзиёева қатнашди. Республика банк коллежидо ижодкорлар иштирокида ўтган навоийхонлик кечаси ҳам унутилмас таассуротларга бой бўлди.

Республика кўзи оғизлар марказий кутубхонаси ҳамкорлигида Ўлўдош Охунбобоев номидаги кўзи оғиз болалар мактаб-интернатида ҳам улўғ шоир таваллудига бағишлаб ғазалхонлик тадбири бўлиб ўтди.



ДАВОМ ЭТАЁТГАН
НАФОСАТ

БУГУНГИ СОНДА:

МАЪНАВИЯТ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАНАДИ 2

3 ДАРҒА ОШИҚАР
ЖУМЛАЛАР

6 "СОҲИБҚИРОН"НИНГ ТАРЖИМОНИ

ГАЗЕТАНИ МАҲАЛЛАДА КУТАМИЗ

Хурматли тахририят ходимлари! Мен узоқ йиллар Тошкент Давлат университети журналистика факультетида талабаларга сабоқ берганим, ҳозир пенсиядаман. Матбуот-га дахлдорлигим сабабли факультетимизда тахсил олган собиқ талабаларнинг ижодига доимо қизиқиб келаман. Шу боис, марказий газеталарни, хусусан "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталигини муттасил ўқиб келаман. Бир муҳли сифатида бу газетани Учтепа туманидаги "Пахтадор" маҳалласида яшовчи маҳалладошларим ўртасида тарғиб ҳам қиламан. Кўплаб мақолаларни улар билан биргалишиб ўқиймиз, баҳс-мунозара қиламиз. Газета ижодкорлари билан маҳалламизда учрашиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Сўзим қуруқ бўлмасин учун, баъзи мисоллар келтирай. Менга ва бошқа кўплаб мухлисларга газета саҳифаларида эълон қилинган устоз Озод Шарафиддиновнинг "Миллатни уйғотган адиб", "Снайперликдан академикликка", адабиётшунос олим Умарали Норматовнинг "Тирик сатрлар" кисмати, Маҳмуд Асъяд Жўшоннинг "Сукхут ҳам ибодатдир", Иброҳим Ғафуровнинг "Ҳаётдай жўшқин", Тохир Малиқнинг "Синса кўнгил шиваси...", Исмоил Бекжоннинг "Муҳаббат фалсафаси" каби мақолалари ҳар жиҳатдан маъқул бўлди. Уларда бугунги маънавий эҳтиёжларимизга даво бўлувчи малҳам бор, десам муболага бўлмас.

Кўлимга қалам олиб, ушбу сатрларни ёзишга физика-математика фанлари доктори Мансурхон Тоировнинг 2006 йил 8 декабрда ва шу йил 26 январда эълон қилинган "Дунёни билиб бўлади ёки англаувчилар учун аломатлар" ҳамда "Инсоннинг сўнги сўзи. У ҳали айтилганча йўқ" сарлавҳали мақолалари бўлди. Очиги, анчадан бери матбуотимизда бундай салмоқли, мағзи тўқ мақола ўқимаган эдим. Мана шундай фикрли, илмий мушоҳада асосида ёзилган, газетхонни уйлалашга, дунёни англашга даъват этувчи асарлар газеталаримиз саҳи-

нинг 2006 йил 8 декабрда ва шу йил 26 январда эълон қилинган "Дунёни билиб бўлади ёки англаувчилар учун аломатлар" ҳамда "Инсоннинг сўнги сўзи. У ҳали айтилганча йўқ" сарлавҳали мақолалари бўлди. Очиги, анчадан бери матбуотимизда бундай салмоқли, мағзи тўқ мақола ўқимаган эдим. Мана шундай фикрли, илмий мушоҳада асосида ёзилган, газетхонни уйлалашга, дунёни англашга даъват этувчи асарлар газеталаримиз саҳи-

УМИДБАХШ КЎРСАТУВ

Халқимиз адабиётни севади, қайси касбда бўлмасин, яхши китобларни севаиб мутлола қилади, шёрларни мириқиб тинглайди. Ота-боболаримиз "навоийхонлик", "бедилхонлик", "машрабхонлик" кечаларида йнгиликларини, ғазаллар ўқишганини эшитганимиз.

Бугунги кунда радио, телевидениедаги мумтоз адабиётимизга бағишланган баъзи эшиттириш ва кўрсатувлар айнан шундай кечаларнинг ўрнини тўлдирдида муҳим аҳамият касб этипти.

Хусусан, сўнгги Муносабат вақтларда кўпчиликка маъқул бўлаётган "Навобахш" кўрсатуви ана шундай тадбирлардан биридир. Номланишининг ўзийёқ кишига хўзур бағишлайдиган "Навобахш" кўрсатуви қисқа вақт ичида ўз мухлисларини топди.


Назаримизда, кўрсатувга янада кўпроқ адабий ҳамкорларни жалб этиш зарур. Тўғри, адабиётимизнинг зукко билимдонлари Иброҳим Ҳаққул, Сайфиддин Рафиддиновларнинг иштироки, ҳофизларнинг тақлиф этилиши кўрсатув муваффақиятини таъминлайди. Бироқ ғазалини тушуниш, арузни тўғри ўқишининг ўзи бўлмайди. Шарқшунос олим Э.К.Бертельс таъкидлаганидек, "Шарқда шёрини (ғазалини демокчи) ўқимади, уни қуйлайди".

Кўрсатув янада қизиқарли, мазмунли бўлиб бориши учун янги-янги қатнашчилар — адабиёт ахллари, мутахассислар тақлиф қилинса, унга шоу деб эмас, маърифий анжуман деб қаралса, тўғрироқ бўлар эди.

УМИДБАХШ КЎРСАТУВ

Билиб-билмай ғазал ўқишни ёки қуйлашни тақлиф қилиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас-дек кўринади. Шунга қарамай, "Навобахш" келажақда бундан ҳам кўпроқ мухлислар тўпалашга қодир экани юрагимизга бир илқ нур бахш этиб турибди. Кўрсатув ва унинг ижодкорларига муваффақиятлар тилаб қолам.

Самат ХўЖАНОВ,
адабиёт ўқитувчиси



МАЪНАВИЯТ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг ёшлар билан суҳбатларидан бирида "Маънавият" сўзини сиз қандай тушунасиз? деган саволга талабалардан бири "Маънавият инсоннинг ўзини ўзи англаши" дея аниқ ва лўнда жавоб берди.



саҳнасида ҳаракат қилаётган буюк инсоннинг орзу-хаваслари, ҳалоллиги тантилиги, мард инсон сифатидаги ҳимматидан шодланди.

Пиримкул Қодиров мана шу улуг тарихни катта муҳаббат билан ўргангани ҳамда уни китобхонага жонли тарзда, содда ва самимий тилда ҳавола этгани ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовордир.

Адибнинг бу хизмати яна шу жиҳатдан эътиборга моликки, бугунги кунда Амир Темури тарихига доир китоблар, тарихий, илмий ва бадиий асарлар жуда кўп.

Амир Темуридек буюк сиймоси тарихий ўрганишида катта имконият бўлса-да, манбаларнинг ҳаммасини ўқиш, бир фикрга келиш оддий китобхонанинг ўзиники эканлиги кечди.

Яна, айтиш мумкинки, теурирлар тарихининг жонқуяр билимдон Пиримкул Қодировнинг ушбу илмий бадиаси асосини иқтидорли кинорежиссёрлар томонидан катта маърифий фильм яратишга ҳам эҳтиёж бор.

Бизга, ҳазрат Амир Темури авлодларига улуг бобомиздан мерос бўлиб қолган табаррук сабоқ ҳам ана шудир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

"Жаҳон адабиёти" журналининг ўтган йилги 7-8 сонларида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировнинг янги асарини ўқишга мурасар бўлдик.

Мана шундай беназир муҳаббатда ўсиб-ўлғайган Темуридек ўн ёшида Кеҳдаги Абдулла Қўتب мадрасасига ўқишга борган.

Темури китобларни бошқаларга ўқиттириб эшитарди", дея даъво қилишган. Сохибқирон ўз юришлари чоғида зарурат юзасидан ислом уламолари, мулла ва қорилар, илмли, эҳси қўтир кишиларга эҳтиёж сезган.

Асарда Амир Темури маънавий қиёфасини гавдалантирувчи муҳим чизги-деталлардан бири сифатида келтирилган бу маълумотни ўқирканмиз, бир ҳаяратимизга ўн ҳайрат қўшилди ва беихтиёр Навоий ҳазратларининг ушбу лутфлари беҳиз эмаслигига иқроқ бўлдик.

"ШАРҚ"НИНГ ШАҲДАМ ОДИМЛАРИ

Набираларим Бехзод билан Тохиржоннинг ота-оналари сафарда бўлганлиги сабабли қирғиннинг узун тунларида ўзим билган, хотирамда сақланган қолган эртакларни айтиб, ўқиб беришимга тўғри келди.

лик рутбасига эришуви беҳиз эмаслигига аҳамият қаратади, у китоб мутлоласини севишини, алломаларни жуда ҳурмат қилишини асословчи кўпгина тарихий манбаларга мурожаат этади.

Муаллиф ҳақиқатдан юз ўғириб, гирром сийсатини асослаш учун Сохибқиронни саводсиз деб ёзган айрим шўро олимлари ғаламислигини ҳам фож адади. Аждодларимизга гайриқўз билан қараган кундай тадқиқотчилар "Амир

АБДУЛЛА ҚУТБ МАДРАСАСИ ТОДИБИ

Темури китобларни бошқаларга ўқиттириб эшитарди", дея даъво қилишган. Сохибқирон ўз юришлари чоғида зарурат юзасидан ислом уламолари, мулла ва қорилар, илмли, эҳси қўтир кишиларга эҳтиёж сезган.

Агар саркарда қиротдан бош қўтармай барча китобларни ўзи ўқиш билан банд бўлса унинг она юрти ва яна не-не эллари мугуллар асоратидан қутқариш йўлидаги ҳалоскорлик фаолиятини ким амалга оширар эди?

Шўроларнинг тарихини ўз сиёсатига мослаб ўзгартириш йўлидаги бундай машум идеологияни қатагон-қирғин даврининг ҳам асосий қуроли бўлган эди. Бехзод, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва улар сингари мингмишга миллат фидойилари "халқ душмани" деган сохта айбловлар билан отиб юборилгани асл сабаби уларнинг буюк боболари саводсиз, босқинчи ва талончи эмас, балки миллатпарварлар йўлини мудом ёритиб турувчи маърифатли жуда яхши билганлариди эди.

Пиримкул Қодиров бу асарда фақат адиб эмас, айти чоғда эҳсон тарихнамас эканлигини ҳам намоён этади. У Шомий ва Яздий "Зафарнома"ларини "Темури тузуқлари"га қиёсан ўрганиб, Амир Темури ҳаётининг ўта масъулият

ли бурилиш палласи Шомий томонидан бир ўринда бутунлай тескари баён қилинганини аниқлайди. "Шомий" "Зафарнома"сидан кейин ёзилган Яздий "Зафарнома"сида ҳам Темурибекнинг халқ озошлик ҳаракатига бошчилиқ қилгани ва Тўғулқ Темурихонни ўлимга буюргани мутлақо кўрсатилмаган", деб ёзади адиб.


Пиримкул Қодиров зийрак тадқиқотчи сифатида "Зафарнома"лардаги узилишларни тўлдириб ўқиш зарур бўлган жиҳатларини кўрсатади ва бошқа тарихшунос адиблардан фарқи ўларок,

тўтқун эллари чингизийлар асоратидан қутқаришда янги саҳифа очган бўлса, Терек бўйида Тўхтаман лашкарлари билан бўлган сўнгги муҳораба ва кўп ўтмай Сарой Берқадан Занжирсарой учининг олиними, француз олимни Люсен Кэрэн эътироф этганидек, Олтин Урданинг тиз чўкиб ҳеч ўнганмайдиган даражада тор-мор этилишига, рус князликларини озодликка чиқариб, бўлажак рус империясига явойдероқ қўйилишига шарт-шароит яради.

Узоқ йиллар мобайнида эътироф этилмай қолган бу ҳақиқат, нихоят, 2004 йили ёш рус тарихчиси Михаил Арнольд томонидан "Наука и жизнь" журналда босилган мақолада мардона эътироф этилгани ибратлидир. "Куликово майдонидаги жангдан кейин..." юз йил давомига Россия бирор марта ҳам Олтин Урда билан йирки туқнашувга борган эмас.

Ҳақиқатини ҳеч қачон абдулад абад йўқ қилиб бўлмаслигини бу кекса тарих ўтмишига адолат мезонлари билан ёндашувчи олим ва тадқиқотчиларнинг мана шу тарздаги иқроқлари орқали яна бир бор намоён эди.

Пиримкул Қодировнинг ушбу асари, гарчи илмий-бади таъризда ёзилган бўлса-да, унинг ҳар саҳифасида буюк сохибқироннинг тафаккур дунёси, қалб тебранишлари, меҳр-муҳаббати ва изтироблари, қаҳр-ғазабни хис этиб турасиз. Бади ҳудди гўзал бадиий асар сингари ўқилади. Тарих



Пиримкул Қодировнинг "Амир Темури сиймоси" асарини ўқиб...

Амир Темури халқ озошлик ҳаракати майдонига келтиргани ва юзга чикарганига алоҳида аҳамият беради.

Амир Темурининг бир қанча худудларни (Шероз, Ҳамдон, Қирмон каби вилоятлар) қурол кучи билан эмас, дипломатик йўл билан ўз қаламравига киритгани хусусида Шох Шужонинг эътирофлари далил сифатида келтирилгани ҳам асарнинг илмий-бадиий қимматини оширган. Исфандон ҳам бир неча мартаба жаңсиз Амир Темури тасарруфига ўтган.

Бирок бу шаҳарни қўриқлаш учун қолдирилган Амир Темурининг ун минг йигити ва шаҳар доғруғаси тунда ухлаб ётган маҳали ўлдирилиши буюк жаҳонгирнинг қаттиқ ғазабига, энг катта хиёнат ва орқадан пичоқ санчиш деб баҳоланганига, исфаноликларнинг қатлиом қилинишига сабаб бўлади.

Биз шу чоққача сохибқирон Амир Темурини Ватанинг даҳо ҳалоскори сифатида билардик ва буюк бобомизга шунинг учун ҳам катта эътиром кўрсатар эдик. Пиримкул Қодировнинг ўнлаб, юзлаб илмий ва тарихий манбаларни, игна билан қудуқ қазгандек, синчиқлаб ўрганиши асосида ёзилган маъруз асарни ўқиб, унда иқтибос сифатида келтирилган аниқ далиллари кўздан кечириб, яна бир бор иқроқ бўлаётмиз.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

ТОМИНГДАН... НОМИНГ БАЛАНД!

Ёхуд антиқа номлар хусусида

Шанба дам олиш кунини бўлгани боис ҳовлидаги юмушлар билан машғул эдим. Эшик кўнгироғи жириглаб қолди. Секин очдим. Анча вақтдан бери кўришмаган дўстим кулимсираб қараб турарди.

Қандай тадбир қилманг, мезбонга ҳам, мехмонга ҳам жуда қулай. Лекин... тўйхоналарга қўйилаётган номларни ўқиб ақлинг шошад.

Шарҳимиздаги тўйхоналар, кафе-барларнинг аксарияти ажнабий сўз, атамалар: "Кавбой", "Жокей", "999", "V&L", "Мустанг", "Шайх", "Magian" ва ҳоказо... Бундай топқирларга нима дейишга ҳам ҳайронсан.

Қўниёқ газетасини ёзди

Ҳар гап қилшогига борадиган бўлсам, дастлаб китоб дўқонларига кириб, овулдош қадронларим илтимос қилган адабий китобларни харид қилиб, ношир укаларимнинг совға-саломларини қўшиб Қамбарали Жақларов, Иминхўжа Тўрақўяев, Ҳамиджон Иброҳимов, Давронбой Шоб-донмов каби адабиёт мухлисларига совға

қиламан. Қишлоғимиздаги яна бир китобхона уста Аматахон Мирзашайқов саксон ёшларга бориб қолган бўлишига қарамай, халқ дostonларини жуда ёқтиради.

У қўлимга таклифномани тутқазио шошганча йўлга тушди. Таклифномага кўз югуртирдим. Кизини турмушга чиқараётган экан. Наҳорда ош... Тўйхонада! Яхши-да, қишин-ёзин қандай тадбир бўлса, тўйхонада бемалол ўтказаверасан.

Шанба дам олиш кунини бўлгани боис ҳовлидаги юмушлар билан машғул эдим. Эшик кўнгироғи жириглаб қолди. Секин очдим. Анча вақтдан бери кўришмаган дўстим кулимсираб қараб турарди.



борми? Жойларга берилётган номларни тасдиқловчи, назорат қилувчи мутасаддилар ўз вазифаларини шу қадар суниестеъмол қилаётганларини наҳотки англаб етишмаса?



Турсунбой АДШОЕВ

Алижон УРИНБОЕВ

